ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САЛИЕВА НАРГИЗА ЭРГАШЕВНА

ЖАМИЯТДА ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ЁШЛАР ИДЕОСФЕРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2021

УДК: 33с5(с52) : 0537

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам

Contents of the dissertation abstract
of the doctor philosophy (PhD) on political sciences

Салиева Наргиза Эргашевна
Жамиятда демократик жараёнларни жадаллаштиришда ёшлар идеосферасини шакллантириш масалалари.....3

Салиева Наргиза Эргашевна
Вопросы формирования идеосферы молодёжи в процессе ускорения демократических процессов в обществе.....23

Салиева Наргиза Эргашевна
Issues of formation of the ideosphere of youth in the process of accelerating democratic processes in society…….....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....49

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САЛИЕВА НАРГИЗА ЭРГАШЕВНА

ЖАМИЯТДА ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ЁШЛАР ИДЕОСФЕРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ss279 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (http://nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тўйчиев Бердиқул Тўрақулович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Назаров Насриддин Атақулович**
сиёсий фанлар доктори, профессор
Ахмедов Хусниддин Аликулович
сиёсий фанлар доктори

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «____» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 246-02-24; факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2021 йил «____»_____ да тарқатилди.

(2021 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёс.ф.д., профессор

К.М.Мирзаахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш Илмий котиби, с.ф.ф.д.(PhD)

А.Г.Мўминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ёшлар идеосферасини ривожлантиришга таъсир этувчи ҳудудий ва географик омилларни ҳисобга олиш, бунда ёшлар дунёқараши, салоҳияти, имкониятлари, қизиқишлари ва манфаатларини таъминлашга бўлган давлат сиёсати устувор аҳамият касб этмоқда. Инсоният тараққиётининг прогрессив ривожи бевосита ёшлар омили ва дунёқарашидаги бунёдкорлик ҳислати билан боғлиқлиги, ёшлар тафаккуридаги оптимал ўзгаришлар жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига ижобий таъсир этиши – умуминсоний тараққиётнинг ёшлар идеосфераси билан узвий алоқадорлигини тобора намоён этмоқда. Мазкур жараёнлар ёшларнинг ижтимоийлавшуви, институционал ва динамик интеграциясини таъминлаш, давлатнинг ёшларга оид самарали сиёсатининг фаол қатламига айлантиришни тобора долзарблаштирмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказларида ёшлар идеосферасини соғломлаштириш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш, ёшларни фуқаролик жамияти институтларига бирлаштириш, замонавий, миллий ва анъанавий дунёқараш ҳамда турмуш-тарзини шакллантиришга доир илмий изланишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай шароитда ёшларнинг маънавий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий идеосфераси билан боғлиқ дунёқарашни замонавий илм-фан ютуқлари ҳамда миллий қадриятлар билан уйғунлаштириш, ташқи таъсирларга нисбатан ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлиги ва мафкуравий бойитилганлиги шунингдек, давлат ва жамият тараққиётида ёшларни стратегик ресурс сифатида баҳолаш, уларнинг маънавий хавфсизлиги, моддий таъминланганлик, доимий меҳнат билан банд қилиш, ижтимоий кўмак ва ҳимоя чораларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Янги Ўзбекистонда барқарор тараққиётни таъминлаш ва жамоатчилик тафаккурини юксалтириш билан бир қаторда, ёшлар фаолиятини миллий тараққиётни ривожлантиришга йўналтириш эҳтиёжи кучаймоқда. “Ҳозирги замонда интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшлар барқарор тараққиётнинг драйверига айланмоқда. Бугунги кунда янги Ўзбекистон ёшлари-мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда[1], дея айтилган эътироф орқали ҳам англашимиз мумкин. Ушбу йўналишдаги энг устувор ва стратегик вазифа ёшлар идеосферасида маънавий-ахлоқий хусусиятларни мужассамлаштирган тафаккурни шакллантириш, миллий ғоянинг концептуал йўналишларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш, жамият тараққиёти фаол ва ташаббускор ёшлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги заруриятн долзарблашмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон

[1] Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида ўтказилаётган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларига табриги // URL: // http // www.president.uz/uz/lists/view/3766

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилга ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги 23-сон Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида мамлакатимиз тараққиётининг ғоявий-мафкуравий асосларини мустаҳкамлаш, янги жамиятни барпо этаётган бугунги авлоднинг юксак маънавий қиёфасини шакллантириш ва уларнинг замонавий тафаккурини тарбиялаш масалаларига кўплаб олимлар ва мутахассислар, маънавий-маърифий йўналиш вакиллари, турли жабҳадаги зиёлилар томонидан алоҳида аҳамият қаратилган. Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари ва маърузаларидаги миллий ўзликни англаш масалаларига оид бўлган концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар идеосфераси шаклланишини ўрганишнинг умумсиёсий масалалари, примитив-содда бўлишига қарамай: қадимий афсона, ривоят, асотир, эртак, масал, қўшиқ, достонлар ва бошқа халқ оғзаки ижоди намуналарида ўз ифодасини топган. Кейинчалик тарихий ёзма манба Авесто, Трипитака, Ведалар, Инжил, Қуръони Карим каби китоблар, антик давр мутаффаккирлари Суқрот, Афлотун, Арасту, Конфуций, Мао Цзи, Лао Цзи асарларида нисбатан тизимлаштирилган. Марказий Осиёлик машҳур мутафаккирлар ва давлат арбоблари бу масалаларга ўзига хос тарзда ёндашганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф хос Хожиб, Исмоил Ал-Бухорий, Амур Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Сўфи Оллоёр, Аҳмад Дониш ва бошқалар, кейинчалик эса жадид маърифатпарварлари қолдирган бой илмий мерос тадқиқотининг маънавий илдизлари ҳамда манбаларини ташкил қилади.

Ҳар бир ижтимоий-тарихий давр алломалари, айниқса ғарб мутафаккирлари Р.Декарт, Т.Мор, Т.Кампанелла, Ш.Монтескье, Т.Гобсс, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, И.Кант, Г.Гегель, Фейербах асарларида ғоялар билан

боғлиқ мавзунинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва гносеологик жиҳатлари алоҳида мавзу сифатида ўрганилган. Ницше, Къеркегор, Н.Бердяев, В.Вундт, З.Фрейд, Э.Фромм сингари мутафаккирларнинг асарларида ушбу мавзунинг айрим жиҳатлари очиб берилган. Улар илмий изланишларида инсониятни эзгуликка ёки жаҳолатга бошлайдиган турли ғоялар, ғоявий тамойиллар ҳақида ўз қарашларини яратган. Илм-фанда бундай ғоялар асосида шаклланган турли таълимотларга таянадиган "Осиёцентризм" каби йўналишлар билан бирга, уларни мутлақо рад қилувчи ёки улардан фарқ қиладиган назариялар, "Европацентризм" каби ғайриилмий иддаолар асосидаги хилма-хил ғоя ва қарашлар ҳам шаклланган. Шунингдек, Ғарб мамлакатларининг Р.Арон, Ш.Айзенштадт, Х.Арендт, З.Бжезинский, Р.Дарендорф, Ж.Дъюи, Г.Зиммель, К.Маннгейм, Ж.Сорель, Э.Тоффлер, Ф.Фукуяма, М.Хоркхаймер, С.Хантингтон каби олимлар томонидан, бошқа кўплаб масалалар билан бирга, ғоя ва мафкуралар, уларнинг бугунги дунёдаги мамлакатлар ва халқлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги даврда жаҳон олимларидан В.Беспалько, А.Варламова, Л.Выготский, С.Зелинский, А.Зиновьев, Л.Федотова, Р.Харрис[1] каби тадқиқотчилар жамият аъзолари хусусан, ёшларда янги дунёқараш ва ижтимоий онгни шакллантиришга йўналтирилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ғоя ва мафкуралар билан боғлиқ масалаларни ўрганишга бағишланган илмий изланишлар миқёси анча кенгайди. Э.Юсупов, Ш.Пахрутдинов, Б.Тўйчиев, Н.Жўраев, Қ.Назаров, А.Бегматов, С.Отамуродов, Ў.Абилов, Д.Алимова, М.Қуронов, И.Эргашев, А.Мухтаров, А.Очилдиев Н.Назаров, Ш.Тўраев, В.Қўчқоров, О.Юсупов, С.Абдуллаев, М.Хажиева, Н.Қолқанов[2] каби олимлар ва тадқиқотчилар ўз изланишларида миллий истиқлол ғояси, унинг шаклланиши ва такомиллашиш жараёни, жамиятда толерантликни таъминлаш ва миллий ўзликни англаш масалалари ҳамда сиёсий соҳадаги турли таҳдидлар, хавф-хатарлар ҳамда уларнинг олдини олиш, ғояларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини фалсафий, ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан таҳлил қилган.

Айни пайтда, мавзуга яқин бўлган барча тадқиқот ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бевосита ёшлар идеосфераси, унинг намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларини тадқиқ этиш муаммоси Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида алоҳида мавзу сифатида ҳанузгача махсус ва чуқур ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқотлар ишлари

---

[1] Мазкур муаллифлар асарлари диссертациянинг "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати"да берилган.

[2] Мазкур муаллифлар асарлари диссертациянинг "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати"да берилган.

режасининг ПЗ 20170928710-сон “Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятда ёшлар идеосферасини шакллантиришга таъсир этувчи мезонларни аниқлаш, ушбу жараёнда ёшларнинг сиёсий тизимдаги иштирокини фаоллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихи ва сиёсий жараёнларда инсониятнинг ғоявий дунёси ва идеосфераси ҳақидаги тасаввурлар генезиси масалаларини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таҳлил этиш;

Шарқ ижтимоий-сиёсий тафаккурида ғоялар ҳақидаги қарашлар ва идеосфера тўғрисида тасаввурлар диалектикаси ҳамда Ғарб мутафаккирларининг ғоя ва мафкураларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги фикрлари динамикасини ўрганиш;

ҳозирги давр ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳамда инсоният тафаккур тараққиёти тизимида “идеосфера” тушунчасини ўрганишнинг илмий-назарий масалаларини таҳлил қилиш;

“идеосфера” тушунчасининг мазмун-моҳиятини тавсифлаш, унга хос жиҳатларни ифодалайдиган яхлит илмий таърифни ишлаб чиқиш;

замонавий жамиятга хос тафаккур босқичида идеосферани ижтимоий – сиёсий фанларнинг тадқиқот объекти сифатида очиб бериш;

ҳозирги замондаги глобал ижтимоий ўзгаришлар, ғоялар ва мафкуралар соҳасидаги тадрижий жараёнлар таҳлили асосида замонавий шахс идеосферасидаги янгиланишлар диалектикасининг умумий қонуниятлари ва унинг миллий менталитетга хос жиҳатларини кўрсатиш;

замонавий ахборотлашган жамият шароитида идеосферадаги ўзгаришлар билан боғлиқ муаммолар ва зиддиятларни бартараф қилиш, бу соҳадаги анъанавийлик ва замонавийликнинг нисбатини аниқлаш;

жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш шароитида ёшлар идеосферасини ривожлантиришнинг самарали йўл ва усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини жамият сиёсий тизимида ёшлар идеосфераси трансформациялашувининг умумий қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини жамият сиёсий тизимида ёшлар идеосфераси шаклланишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар, бу йўналишда амалга оширилган ислоҳотларнинг таъсир даражалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда муаммони ўрганишда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, анализ, синтез, қиёсий-эмпирик таҳлил ҳамда ёшлар идеосфераси шаклланишига тизимли-методик ёндашиш каби методлардан ижтимоий эволюцион тараққиёт принципидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшлар идеосферасининг шаклланишига жамиятдаги сиёсий тизим, қабул қилинган миллий ғоя, сиёсий плюрализмнинг жорий қилинганлик даражаси, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар динамикасининг (позитив ёки негатив) таъсири илмий асосланган;

жамиятдаги демократик жараёнларни жадаллаштириш миллий манфаатларга асосланган ғоя ва мафкуранинг ёшлар манфаатларини, орзу-истакларини ўзида намоён этишига боғлиқ эканлиги ва айни вақтда ривожланиб бораётган демократик жараёнлар ёшлар идеосферасининг шаклланишига (сиёсий онги, тафаккури ва маданияти ривожига) ижобий таъсир кўрсатиши очиб берилган;

маънавий ва мафкуравий таҳдидларга бой глобал ахборотлашган мураккаб даврда ёшлар идеосферасини самарали шакллантиришнинг қуйидан юқорига институционал (маҳалла+таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари+давлат ҳокимияти органлари) ўзаро ҳамкорлик механизми такомиллаштирилган;

миллий манфаатларни рўёбга чиқаришда ёшларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолликларининг ортиб бориши, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги ва уларнинг амалда ўзини намоён этиши ёшлар идеосферасини шаклланганлик даражасини белгиловчи энг муҳим меъзонлар эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мамлакатимиз тараққиётининг ғоявий асосларини янада мустаҳкамлаш ва шу асосда ёшлар қалби ва онгида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини сингдиришга қаратилган асосий йўналишлар ва уларни тадбиқига доир чора-тадбирларни назарда тутувчи амалий таклифлар берилган;

тадқиқот натижалари сифатида шакллантирилган хулосалар, тавсиялар, шунингдек, комплекс ёндашув ва ёшлар ижтимоий қиёфасини аниқлаш юзасидан ишлаб чиқилган индикаторлар бўйича таклифлар ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланиши йўлида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда замонавий услубларни кенг жорий этишнинг механизмлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларининг мақсадга мувофиқлиги, турли даражадаги халқаро ва республика миқёсдаги илмий-амалий анжуманлар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий журналларда, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалар, нашр этилган рисола ва у ҳақдаги рецензиялар, диссертацияда акс этган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишнинг илмий аҳамияти “идеосфера” тушунчасининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва намоён бўлиш шаклларини, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг назарий асосларини ривожлантириш жараёнида фойдаланиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар “Сиёсатшунослик”, “Демографик сиёсат” фанлари ҳамда ёшлар сиёсатини ривожлантириш билан боғлиқ концептуал ҳужжатларни илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган фикр-мулоҳазалар ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва ушбу йўналишдаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни такомиллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ривожланишига муайян даражада ҳисса қўшишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшлар идеосферасини шакллантиришда жамият сиёсий тизимининг ўрнини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш натижасидаги илмий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

ёшлар идеосферасининг шаклланишига жамиятдаги сиёсий тизим, қабул қилинган миллий ғоя, сиёсий плюрализмнинг жорий қилинганлик даражаси, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар динамикасининг (позитив ёки негатив) таъсири илмий асосланганлигига оид илмий янгиликларидан ҳамда миллий манфаатларни рўёбга чиқаришда ёшларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолликларининг ортиб бориши, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги ва уларнинг амалда ўзини намоён этиши ёшлар идеосферасини шакллганлик даражасини белгиловчи энг муҳим меъзонлари эканлигига оид илмий-назарий таклифларидан Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги фаолиятида кенг фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 03 августдаги 2-16-23-1993-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ёшлар билан ишларни ташкил қилишдаги функционал самарадорлигини оширишга, ёшлар орасида олиб борилаётган маънавий-тарбиявий тарғиботларнинг илмий-маърифий асосларини мустаҳкамлашга ҳамда ёшларда кенг дунёқарашни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг илмий қиймати ошишига хизмат қилган. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлинмаларида ёшлар идеосферасини шакллганлик даражасини белгиловчи энг муҳим индикаторларни аниқлашдаги сўровномалар мазмунини белгилашда кенг фойдаланиб келинмоқда.

жамиятдаги демократик жараёнларни жадаллаштириш миллий манфаатларга асосланган ғоя ва мафкуранинг ёшлар манфаатларини, орзу-истакларини ўзида намоён этишига боғлиқ эканлиги ва айни вақтда ривожланиб бораётган демократик жараёнлар ёшлар идеосферасининг шаклланишига (сиёсий онги, тафаккури ва маданияти ривожига) ижобий таъсир кўрсатиши бўйича билдирилган илмий-назарий фикрлардан ҳамда DAI CASSS (USAID) билан амалга оширилган ҳамкорлик лойиҳаси доирасида фойдаланилган. (Жиззах вилояти “Istiqlol Avlodi” ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказининг 2021 йил 6 июлдаги 374-сон маълумотномаси). Натижада, Жиззах вилоятидаги маҳалла ёшлари

ўртасида кўп томонлама мулоқотни йўлга қўйиш орқали “Тенгдош-тенгдошга” ёшлар тармоғини яратиш, “Ёшлар ўртасида зўравон экстремизмни олдини олиш борасида ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш” каби ижтимоий лойиҳалар амалга оширилган ва лойиҳа дастурлари ишлаб чиқилган.

маънавий ва мафкуравий таҳдидларга бой глобал ахборотлашган мураккаб даврда ёшлар идеосферасини самарали шакллантиришнинг қуйидан юқорига институционал (маҳалла+таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари+давлат ҳокимияти органлари) ўзаро ҳамкорлик механизми такомиллаштиришга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятида самарали қўлланилди. (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 01/01-280-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди дастурини такомиллаштиришга, партиянинг маънавий-ғоявий асосини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, мафкуравий тарғибот ишларини ривожлантириш, партия ёшлар қаноти фаолиятини такомиллаштиришга, партия ходимлари ахлоқий онгини ривожлантиришга қаратилган ўқув семинарлари ҳамда ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда илмий манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, учта боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби "**Жамият сиёсий тизимида ёшлар идеосфераси шаклланишининг назарий-методологик асослари**" деб номланган. Ушбу бобда сиёсий тизим доирасида ёшлар идеосфераси шаклланишининг ўзига хос тенденциялари ҳамда ёшлар идеосферасини ривожлантиришда ғоявий тарбия ва мафкуравий омилларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти илмий нуқтаи назардан очиб берилган.

Бугунги кунда республикамизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда ёшлар идеосферасини ривожлантириш, жамиятда мавжуд бунёдкорлик ғоясини ёшлар онги ва қалбига сингдириш – янгиланаётган жамият шароитида тафаккур янгиланишини таъминлашда зарурий омилдир. Шу боис, жамият тараққиётида мафкуравий омил ва унинг генезисини, ижтимоий-тарихий асосларининг шахс ижтимоий-сиёсий ҳаёти, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлиқлиги ва тадрижий ривожланиш қонуниятларини ўрганиш муҳимдир. Зеро, халқимиз маданий-маърифий тараққиётида, хусусан ёшлар мафкуравий дунёқарашини шакллантиришнинг тарихий, илмий-назарий асослари ва амалий-услубий йўналишларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жамият тараққиётида мафкуравий омилнинг ўрнига эътибор қаратадиган бўлсак, маълумки, мафкура – ижтимоий-тарихий ҳодисадир. У маълум бир ижтимоий гуруҳ, синф, миллат, давлат, жамият манфаатини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, бадиий ва диний ғоялар қарашлар тизими сифатида жамият идеосферасини таъминлашда ўзига хос ўринга эга.

Мафкура жамиятда ижтимоий муносабатлар тизимини ривожлантириши ва умумий интеграция жараёнларининг йўналиши, хусусиятларининг ўзгаришини мувофиқлаштирувчи омил сифатида ҳам намоён бўлади. Унинг барқарор ишлаши шахсларнинг мафкуравий меъёрлар, қадриятларни ўзлаштириш механизми, яъни энг муҳим иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва бошқа йўналиш ва маънавий муносабатлар барқарорлигини таъминловчи стратегик мақсадлар ифодасидир.

Ёшлар – бу келажакдаги кучга эга бўлган ижтимоий гуруҳ бўлиб, уларнинг қадриятлари келажакда жамиятнинг қадриятларига айланади. Шунга кўра, ёшлар мафкуравий социализация жараёнида ўзлаштирадиган ғоявий қадриятлар Ўзбекистон жамияти идеосферасида аниқ мақсад сари йўналтирилган стратегик дунёқараш ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятда ёшлар ижтимоий гуруҳ сифатида, улар идеосфераси жамият ривожини таъминловчи етакчи омиллардан бири эканлиги асосланган.

Мафкуравий тарбия жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, ОАВлар, жамият ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо этади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўғиндир, зеро мафкуравий мақсадларни кишилар, айниқса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан, ана шу тизим орқали амалга оширилади.

“Ёшларнинг онги ва қалбига миллий ғоя ва мафкурани сингдириш 2 усулда: 1) таълим-тарбия усулида; 2) тарғибот-ташвиқот усуллари орқали амалга оширилади. Ва бундай усул ёшлар идеосферасининг ривожланишини ҳам таъминлаб бериши тадқиқотда ўз исботини топди.

Диссертацияда идеосфера ва дунёқараш тушунчаларига бир-бирини тўлдириб келувчи тушунчалар сифатида эътибор қаратилган. Дунёқараш – кишиларнинг олам, унинг келиб чиқиши, тузилиши, ўзгариши, ривожланиши, унда инсоннинг ўрни ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа қарашлари ва тасаввурлари мажмуидан иборат. Унинг нисбатан умумлашган тарифига кўра, дунёқараш – инсониятни ўтмиш мероси, ҳозирги ҳаёт ва бунда шароитлар, тизимларнинг англаб олинган қадриятдир. Дунёқараш – кишиларнинг турмуш тарзи, ҳаёти, аҳлоқ-одоби, маданиятини ўзида мужассамлантирган тасаввур ва билимлар йиғиндисидир[1]. Идеосфера фалсафий дунёқарашнинг онтологик ва гносеологик илдизлари билан ҳам туташган. Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожининг умумий қонуниятлари ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга, инсонни қуршаб турган моддий олам объективлиги ва абадийлигини ҳам, ўзгарувчанлик ва нисбатан турғун хусусиятиларни ҳам, умуман инсоният жамиятига хос тамойилларни эътироф этади. Идеосфера фалсафий ва бошқа дунёқараш шакллари билан синтезлашган, интеграциялашган тарзда намоён бўлсада, унинг асосий объекти инсон ва жамият бўлганлиги боис, шаклланиш ва такомиллашув жараёни субъектив омил бўлган сиёсий онгнинг индивидуал ва ижтимоий даражалари ривожланиши уйғунлигига билан боғлиқ.

“Идеосфера” тушунчасида муайян давр ва жамиятга хос белгилар, жиҳатлар, хилма хил хусусиятлар билан боғлиқ жиҳатлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Улар ушбу тушунчанинг турли шакллари учун умумий мезон ва таянч омиллар бўлиб ҳисобланади. Муайян даврда ёки бирор бир мамлакатда яшаётган ҳар қандай киши умумижтимоий идеосферани англашда ва ўз фаолиятини унинг умумий мезонларига уйғунлаштиришда ушбу жиҳатларга эътибор қаратади ва улар билан боғлиқ талабларга риоя қилиши табиий ҳол ҳисобланади. Ғарб ва Шарқ мумтоз файласуфлари, мафкура илми вакиллари ҳамда шу давр олимларининг идеосферага оид назарий қарашлари илмий

---

[1] Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент.: Шарқ, 2004. – Б. 115.

таҳлил асосида қуйидагича тавсифланди. Идеосфера – инсон ва жамият ҳаётида сиёсий жараёнлар, ижтимоий ҳодисалар, диний, ахлоқий, сиёсий қадриятлар шаклида шаклланган, ҳар бир муайян шахс руҳиятига сингиб, умумижтимоий ва сиёсий қадриятларни ақлу-заковат асосида англашга бўлган тафаккур ҳосиласидир.

Ёшларнинг турли шаклларда намоён бўлувчи идеосфераси бойиб боришига хизмат қилувчи моддий ва маънавий фаолият йўналишлари шахсни ҳамда миллатни идентификациялаштирувчи омил сифатида ўз мақеини сақлаб қолади. Ёшлар идеосферасининг умуминсоний характерини ва нисбий мустақиллигини асословчи универсал мезонларида диалектик уйғунликни тадқиқ этиш зарурияти, инсоният мафкуравий цивилизациясини шакллантириш ва унинг натижалари келажак авлодлар учун сақлаб қолиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳамда долзарб ижтимоий аҳамиятга молик стратегик вазифадир.

Диссертациянинг “**Сиёсий жараёнларда ёшлар идеосфераси ривожланишининг объектив ва субъектив омиллари”** деб номланган иккинчи бобида ахборотлашган жамиятнинг ёшлар идеосферасига таъсирини ўрганишга парадигмал ёндашувнинг ўзига хос жиҳатлари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ёшлар идеосферасининг ўзаро алоқадорлик диалектикаси ҳамда ёшларнинг сайловлардаги иштироки ва абсентеизм муаммолари ижтимоий гуруҳ сифатида ёшларнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни, улар сиёсий дунёқарашининг ишига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган.

Ҳозирги даврда ёшлар идеосферасига ўтказиладиган ташқи таъсир глобаллашув шаклида намоён бўлмоқда. Замонавий жамият идеосфераси ахборот билан тўлишга боғлиқ ҳолда кўп жиҳатдан ўз мазмунини ўзгартирмоқда. Ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос, тузилмага солинмаган захираси ишончлилиги турли даражада бўлган хилма-хил ахборот билан бетартиб тўлдирилмоқда. Идеосферали замон ва маданий тўсиқларни бартараф этувчи оммавий ахборот воситаларининг такомиллашуви туфайли кишилар бир-бирларига яқинроқ бўлмоқдалар, уларнинг ўзаро тил топишиши осонроқ кечмоқда. Бошқа томондан, танқидий ёндашув мавжуд. Бундай ёндашув марказида оммавий ахборот воситаларининг салбий оқибатлари: воқеъликнинг воқеъликдан ажратилиши (виртуаллашув), инсонни узуқ-юлуқ субъектга айлантирувчи таъсир ўтказувчи, инсон онгини сездирмай бошқариш (манипуляция) ҳақидаги қарашлар қарор топгандир.

Интернетнинг жамият иқтисодий, ижтимоий, маданий, техникавий ва ҳоказо тараққиётидаги ўрни беқиёс. Унинг улкан қудратини тан олиш ёки олмаслик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Интернет инсон тафаккури, ақли ва билим қудратининг маҳсули ва инъикосидир. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда унинг инсоният маънавиятига туғдираётган хавф-хатарлари тўғрисида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Бу нохуш ғайри инсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармоқнинг ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда тарқатиш бўйича имкониятларидан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлдан

чалғитиш, ўзлари тарғиб этаётган нопок ғоя ва манфаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб бораётган ҳаракатлари билан боғлиқдир. Сўзсиз, бундай таъсирга Интернет аудиториясининг энг фаол ва энг кўп қисми – тафаккури, дунёқараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлар берилувчан бўлади. Замонавий ёшлар Интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси деб қарайдилар. Улар Online тизимига асосан янгиликларни излаш, дўстлар билан мулоқот қилиш, мусиқа ёзиб олиш учун кирадилар. IDC аналитик компаниясининг тадқиқотчилари АҚШ, Бразилия, Россия мамлакатларининг 15 дан 24 ёшгача бўлган 302 нафар фуқаронинг фикрини аниқлаши натижасида шундай хулосага келдилар. Ёшларнинг идеосфераси, асосан оила ва мактабда шакллана бошлайди. Бу масъулиятли даврга жиддий эътибор қаратмоқ керак. Агар оила ва мактаб бу вазифага бефарқ бўлса айрим ёшларда маргиналлик кайфиятлари содир бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ёшларни маргиналлик кайфиятига тушиб қолмаслигига жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Чунки маргиналлик шахсда ватан, миллат, миллий ўзликни англаш каби туйғуларни пассивлаштиради, салбий хусусиятларни кучайтиради. Шунинг учун ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини, тафаккур эркинлигини, идеосферасини шакллантиришда, уларни жамиятимизни юксалтириш шароитига мослаштиришда, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятини юксалтиришда таълим-тарбиянинг барча шаклларидан фойдаланиш давр тақозосидир. Тарбия учун хизмат қилувчи, ёшларнинг онги, қалби ва иродасини мустаҳкам қилувчи барча тадбир, восита ва амаллар шахс камолоти учун хизмат қилувчи субъектив омиллардир.

Глобал ахборотлашган жамиятда ёшлар идеосферасини шакллантирувчи омиллар масаласини тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларга асос бўлди:

идеосферавий жиҳатдан ҳам таълим ва ўқиш ҳар бир инсонга бутун ҳаёти давомида зарур бўлгани каби, ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш ва юксалтириш йўли билан уларнинг дунёқарашини ҳам узлуксиз шакллантириб боришни тақозо этмоқда;

глобал ахборотлашган жамиятнинг ижобий таъсирларини ўрганишда ёшларда иштиёқ ва уни шакллантиришнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланиш ёшлар идеосферасини белгилашда асосий омиллардан бирига айланади;

ёшларда интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини юксалтиришда, аввало, уларни оиладаги муҳитда, мактаб, олий ўқув юртлари ҳамда маҳалладаги мазмунли ҳаёт сабоғига эга бўлган кишилар таъсирида сақлаш миллий – ғоявий тарбиявий тизимимизнинг асосини ташкил этади;

идеосферанинг ижтимоий-сиёсий тушунча сифатида ёшлар мафкуравий дунёқарашинии шакллантиришдаги аҳамиятини миллий менталитет хусусиятлари, миллатнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, илмий-маънавий қадриятларини инобатга олган ҳолда тадқиқ этишни тақозо этади;

глобал ахборотлашувнинг салбий таъсирларидан ёшлар дунёқарашини муҳофазалашда маҳаллий ҳокимият, вакиллик органлари, диний-маърифий идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг мазкур масаладаги фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шахс сиёсий маданиятининг концентрлашган шакли – идеосферавий дунёқарашининг шаклланиши, бир томондан, ҳар қандай тарихий замон ва ижтимоий маконда ментал характерга эга. Идеосферавий таълим-тарбияда маҳаллий урф-одатлар ва аньаналарга таяниш ҳақидаги фикр ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунга келиб бу каби мураккаб муаммолар ечимида идеосферавий таълим-тарбиянинг роли тобора ошиб бормоқда. Зеро, идеосферавий таълим-тарбия – инсон ижтимоий-сиёсий фаолиятининг салбий оқибатларини бартараф этиб, жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда яқин беш йил ичида амалга оширилиши кўзда тутилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонда халқимиз фаровонлигини янада мустаҳкамлаб, Ўзбекистонни яшаш учун энг қулай мамлакатга айлантиришга йўналтирилган устувор йўналишлар қаторида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу дастурий ҳужжат бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларга нисбатан ёшларда дахлдорлик туйғусини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришининг ҳуқуқий кафолати сифатида диққатни жалб этади. Шунингдек:

ахборотлашган жамиятнинг ижобий таъсирларини ўрганишда ёшларда иштиёқ ва уни шакллантиришнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланиш ёшлар идеосферасини белгилашда асосий омиллардан бирига айланади;

идеосферанинг ижтимоий-сиёсий тушунча сифатида ёшлар мафкуравий дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамиятини миллий менталитет хусусиятлари, миллатнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, илмий-маънавий қадриятларини инобатга олган ҳолда тадқиқ этишни тақозо этади;

жамият идеосфераси барқарор ҳолатига таҳдид соладиган омиллардан бири – онгни турли ахборот воситалари орқали сездирмай бошқариш, яъни манипуляциядир. Муайян жамиятдан ташқаридаги бу жамиятни заифлаштириш ёки йўқ қилишдан манфаатдор бўлган ҳар қандай кучлар муайян идеосферали жамиятни издан чиқарувчи манипуляцияни амалга ошириши мумкинлиги диссертацияда таҳлил этилиб, ёшлар тафаккурида унга қарши механизм сифатида бунёдкорлик хислатини мужассамлаштирувчи қадриятларимиз тарғиботига эътибор қаратиш муҳимлиги масалалари илгари сурилган;

идеосфера – давлатнинг сиёсий соҳадаги миллий манфаатлари, тактика, стратегияси, қадриятлар, анъаналар ва идеалларни, сиёсий мақсадлар ва стереотипларни белгилаб беради. Сиёсий идеосферанинг издан чиқиши

давлат сиёсий ҳаётининг негизи вайрон бўлишини, шахснинг сиёсий негилизм, дунёқараши ҳамда баъзи сиёсий маданият мезонларининг сусайиши билан бирга кечади.

Ёшларнинг сиёсий фаол иштирокисиз фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш мумкин эмас. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшларнинг сиёсий фаоллиги жараёнини мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий ва сиёсий тизимларнинг ўзгариши шароитида ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашувнинг янги тизимини яратиш ҳамда уларнинг сиёсий маданиятини янада шакллантириш талаб этилади. Сиёсий ижтимоийлашув сиёсий тажрибани сақлаш ва янги авлодларга етказишни, сиёсий институтларнинг давомийлигини, меъёрлар, қадриятлар ва сиёсий тизимнинг барқарорлигини таъминлайди. Замонавий жамият ривожида ёшларнинг ўз позициясини аниқлаш жараёни жуда катта зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Улар жамиятнинг энг ҳаракатчан қисмидир. Ўтиш давридаги қийинчиликлар, айниқса, ёшларнинг аҳволига жиддий таъсир кўрсатди. Ёшларнинг озгина қисми бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини топса, асосий қисми эса ўзгарувчан вазиятга мослаша олмайди. Натижада, ёшларнинг бу қисми ижтимоий мавқеининг пасайиши, ишсизликнинг кучайиши, таълим ва маданий қадриятлардан фойдаланиш имкониятлари камайтиради, жиноятчилик тобора кучайиб боради[1]. Ушбу масалалар таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келди.

- Ўзбекистонда юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилган, деган хулосани бериш мумкин.

- Сайловларга юксак савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқаролар, жумладан, ёшларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш борасидаги қонунчилик изчил такомиллаштириб борилмоқда.

- Ўзбекистонда сиёсий фаоллигини намойиш қилмайдиган ёки сайловларда ўз танловини қилмаганлар ёшларнинг сони минимал даражада. Шунинг учун ёшларнинг сайлов жараёнида кенг иштирок этишни таъминлаш масалалари бугунги кунда тобора долзарб бўлиб бормоқда. Фикримизча, Ўзбекистон ёш сайловчилари онгида турли догматик стереотиплар йўқ.

Диссертациянинг учинчи боби “**Демократик шароитда ёшлар идеосферасини юксалтиришга анъанавий ва замонавий ёндашув”** деб номланган бўлиб, унда ёшлар дунёқарашида анъавийлик ва замонавийликни таъминлашда сиёсий жараёнларнинг ўрни, демократик тараққиёт шароитида ёшлар идеосферасини юксалтиришнинг муҳимлик жиҳатлари тадқиқ этилган.

---

[1] Садырова М. Ю. Проблема избирательной активности российской молодежи // Молодой ученый. 2014. - №3. – С. 667-669. – URL https://moluch.ru/archive/62/9457/ (дата обращения: 03.08.2019).

Замонавий Ўзбекистон жамиятидаги трансформацион жараёнлар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида, шунингдек, мавжуд қадриятлар тизимининг йўқ қилиниши натижасида пайдо бўлган маънавий ва мафкуравий инқирозда намоён бўлди. Бироқ ҳокимият тизими ижтимоий ва сиёсий барқарорликни, сиёсий жараёнларнинг ижобий хусусиятларини таъминлабгина қолмай, балки мамлакатдаги ёшлар идеосферасининг ижобий ривожланишига ҳам асос яратди. Тафаккурда анъанавий ва замонавий қадриятлар уйғунлиги ёшлар идеосферасидаги позитив ўзгаришларни таъминлаш билан бир қаторда, сиёсий жараёнлардаги барқарорлик ва фуқаровий ҳамжиҳатлик жамият аъзолари, жумладан ёшлар дунёқарашида ҳам ижобий хислатларни шакллантиришда муҳим омил сифатида намоён бўлди.

Инсоният ҳаётининг ҳар қандай даврида ҳам тараққиёт йўналишлари, ғоялари ва мақсадлари ўзгариши лозим бўлган ўтиш шароитларида ёшлар идеосферасига анъанавийлик ва янгиликларнинг таъсири кучаяди. Анъанавийлик – бу инсоний ҳатти-ҳаракатни бошқаришнинг асосли функциясини бажарувчи барқарор маънавий меъёрлар ва ижтимоий тузилмаларга содиқликдир. Гарчи анъанавийлик ва янгилик йўналишлари баъзан тўқнашсада, умуман олганда анъаналар замонавийлашади, ижтимоий ҳаётнинг янги ҳодисаларига мослашади.

Анъанавий жамиятдан замонавий жамият томон ҳаракатни ҳам жамият ҳаётининг, ҳам ижтимоий тафаккурининг жиддий ўзгаришига олиб келувчи модернизация сифатида талқин қилиши мумкин. Шундагина ҳар қандай анъанани ҳақли равишда собиқ янгилик ва ҳар қандай янгиликни келажакдаги анъана сифатида тасаввур қилиш мумкин. Ҳар бир жамият идеосфераси ўз ибтидосига эга бўлган, анъанавий жиҳатлардан келиб чиққан. Бугунги глобал миқёсда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий билимнинг бевосита объекти сифатида юзага чиқмоқда.

Янгиликлар жамият ривожланиши ва уни ўз-ўзини ривожлантиришининг қудратли ва самарали омилидир. Янгилик – ижтимоий-сиёсий жараёнининг коммуникатив табиати унинг иштирокчилари – новаторлар, ишлаб чиқарувчилар, давлат ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларда юзага келади.

Шундай қилиб, идеосфера назариясига кўра, ижтимоий-сиёсий жараёнлар жамиятни янгича шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ янгича замонавий талаблар қўймоқда. Идеосферавий жиҳатдан сиёсатшунослик доирасида икки ёқлама концепциясини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш зарур бўлиб, бунинг моҳияти янгича тараққиётнинг ижобий ва салбий қутблари ўртасидаги турли сиёсий кучлар ва гуруҳлар ўртасида тўлдирувчи ғоялар тизимидан иборатдир. Шундай қилиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг янгича ривожланишнинг ҳозирги шароитларида умуман замонавий идеосфера ўзгаришларининг тенденцияларидан иборат. Демак:

- анъанавийлик ва янгиликлар намоён бўлишининг ўзига хослиги мисолида замонавий идеосфера учун анъанавий ва янгича ҳодисаларнинг

аралашуви хослиги намоён бўлади. Ушбу тушунчалар ўртасида чуқур ўзаро алоқа мавжуд, чунки анъана янгиликдан ажралмасдир;

- бу хусусиятнинг устуворлиги жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўзига хос тадрижийликни ифодалайди. Модимики шундай экан, ўзгараётган идеосферанинг замонавий кишилар онгига таъсири, ҳар бир инсон ички олами ва унинг янгиланиши масалаларини кўриб чиқиш зарурати мавжуддир;

